
МАҲОРАТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Баҳор маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шерзод Мирзаолимов ММА аралаш жанг санъати билан анчада бери шуғуланиб келади. ММА бўйича икки карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритган.

Бугун ушбу чемпион ўзига ўхшаган чемпионларни тарбиялаш мақсадида янги бинода иш бошлади. 33 миллион сўм кредит маблағи эвазига Наврўз МФЙ ҳудудидаги бинони спорт анжомлари билан жиҳозлади.

Маҳалла нуронийлари ҳамда устозлари ва яқинлари билан биргаликда ушбу жанг санъати биносини очилиш маросимини ўтказилди. Юртимиз улуғлари Ёзёвондаги бу жанг санъати мактабидан жаҳон чемпионлари чиқиб, юртимиз байроғини кўкларга кўтаришини тилаб дуолар қилдилар.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-12 14:51:34